

# TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

## Yangi O'ZBEKISTONDA erkin va farovon yashaylik!

30

Зангиота туманида "Ark Buloq" халқаро қурилиш моллари савдо маркази фойдаланишга топширилди.

### Мустақиллик иншоотлари



## ХАЛҚАРО МАРКАЗ: САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА



## ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ



Абдуқодир МУСЛИМОВ  
олган суратлар

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида Янги Ўзбекистонда янги инновацион лойиҳа сифатида аҳолига хизмат кўрсатувчи мазкур мажмуанинг очилиш маросимида вилоят ҳоқими Даврон Ҳидоятوف сўзга чиқди. Кўп турдаги савдо хизматлари ташкил этилган халқаро савдо маркази 10,5 гектар майдонда барпо қилинган бўлиб, қурилиш икки босқичда амалга оширилди. Марказда илгор логистика тизими ёрдамида маҳсулотларни мамлакат, шунингдек, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари бўйлаб ҳам жўнатиш имкони яратилган.

## МУКОФОТ МУБОРАҚ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳни мукофотлаш тўғрисида" ҳамда 2021 йил 25 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонларига кўра, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш ишларида қўшган муносиб ҳиссаси, шунингдек, ёшларимизни она юртга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги қатъий хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони билан**

Тухтаназарова Гулнора Махмадҷоновна – Тошкент вилояти психологик ривожланиши бузилган болалар учун ихтисослаштирилган болалар уйи бош шифокори

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони билан**

Хурсанов Абдулло Халмурадovich – «Олмалик конметаллургия комбинати» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан**

Атемов Ускенбай – Юқори Чирчиқ тумани ҳоқими

**«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан**

Шодиев Абдумажид – Олмалик шаҳри нурунийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли

**«Меҳнат шухрати» ордени билан**

Мухамедов Гафурджан Исраилович – Чирчиқ давлат педагогика институти ректори

Муҳиддинов Фатҳиддин Фазлиддинович – Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бўлим бошлиғи

(Давоми 2-саҳифада) ▶

### Дил сўзи

Тошпўлат  
МАТКАРИМОВ,  
II даражали  
«Соғлом авлод учун»  
ордени соҳиби:



– Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида менинг ҳам камтарона меҳнатларим эътироф этилганидан бошим кўкка етди.

Шўқрки, бугун инсон кадр-қиммати юқори баҳоланганидан даврда яшамоқдамиз. Юрт равнақи учун озгина қилган меҳнатимиз, албатта, назарга тушяпти.

Умрим буйи санъатга ошуфта бўлиб яшадим. Қўшиқларимда ҳам, ҳаётда ҳам миллийлик, қадимий гўзал одатларимиз аксини қидиравераман. Қадриятларимизга бўлган муҳаббатим туфайли Оҳангарон шаҳрида «Қурама» фольклор-этнографик халқ ансамблини ташкил қилган эдик. Бугунга келиб, жамоамизни нафақат республикамизда, балки қўшни давлатлар, ҳатто Европа мамлакатларида ҳам билишади. Турли фестивал ва фольклор байрамларига таклиф қилишади. Ўтган йиллар мобайнида жамоамиз анча кенгайди. Ҳозирги кунда ансамбль таркибида мактаб ва коллеж ўқувчилари фаолият олиб бормоқда. Улар сафига яна ҳам ёшроқ авлодни жалб қилгандим. Аслида, фольклор жамоа тузишдан мақсадимиз ҳам шу эди: худуднинг йўқолиб кетаётган урф-одатлари, миллий либосларини сақлаб қолиш, ёш авлодга танитиш.

Шунингдек, жамоа этнографик бўлгани учун яшаётган худудимизнинг аъналарини ҳам ас эттирамиз. Мисол учун: Бухоро зардўзликда, Сурхондарё каштачиликда, Оҳангарон эса қуроқчиликда тенгсиз. "Қурама" сўзининг туб илдири ҳам "қурок" сўзидан олинган. Қадимда момоларимиз матолардан қолган қийимларни бир-бирига улаб, кўрпа-кўрпачалар, дастурхонлар тикишган. Эътибор қилган бўлсангиз, либосларимизда ҳам қуроқдан безаклар бор. Энг муҳими, бизнинг ансамблимиздек жамоа бошқа ҳеч қаерда йўқ!..

Мукофотдан ансамблимиз аъзолари ҳам жуда хурсанд бўлишди. Рағбатдан руҳланиб, янгидан янги ижод намуналари яратишни бошлаб юбордик. Мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрами тантаналарида қамишдек бел боғлаб, янги дастуримиз билан халқимиз хизматида бўламыз.

## ҚУТЛУФ КУНЛАРДАН ЭСДАЛИК

Бундан атиги икки йил аввал эзгу ниётлар билан Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти божхона бошқармасининг янги маъмурий биносига илк тамал тоши қўйилган эди. Ўтган қисқа фурсат давомида кўзни қувнатидан, замонавий божхона стандартларига тўла жавоб берадиган маъмурий бино бунёд этилди.



## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛИЁТИ

Президентимизнинг 2018 йил 30 сентябрдаги "Олмалик КМК" АЖ асосий ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ комбинатда шу йўналишдаги ишлар кенг қўлам касб этиб бормоқда.

Хусусан, қарор ижроси доирасида комбинатнинг Саноат сув таъминоти цехининг 54-нимстанцияси 4-бўлиминдан Мис бойитиш фабрикасигача чиқит сақлаш омборидан тиндирилган саноат сувини етказувчи 3-сонли сув тортиш комплекси фойдаланишга топширилди.



## МАҲАЛЛАНING ЯНГИ БИНОСИ

Нурафшон шаҳридаги "Дехқонобод" маҳалла фуқаролар йиғини биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Очилбой Раматов, Тошкент вилояти ҳоқими Даврон Ҳидоятوف, Нурафшон шаҳар ҳоқими Музаффар Салиев ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

Мазкур маҳалланинг қурилиш-монтаж ишларига жами 600 млн. сўм маблағ сарфланган бўлиб, намунавий лойиҳа асосида қурилган идора мажлислар зали, маҳалла раиси хонаси, раис ўринбосарлари хонаси ҳамда профилактика инспектори хонасидан ташкил топган. Барча хоналар тўлиқ коммуникация тармоқларига уланган.





# Паркент ижод уйи: янги асарларнинг илҳом манбаи

## Тухфа

Кеча Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллигида тухфа сифатида куриб битказилган "Паркент ижод уйи"нинг очилиш маросими ўтказилди.



кўра, мазкур мухташам иншоот "Ўзавтосаноат" АЖ томонидан куриб битказилди.

Маросимда сўз олган Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир ва бошқалар кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳалар қатори миллий адабиётимизни ривожлантириш ва жамиятда китобхонлик маданиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилаётгани, ижодкорлар учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилаётгани, соҳада йиллар давомида тўпланиб қолган долзарб муаммоларнинг қисқа фурсатларда ҳал этилаётганини мамнуният билан таъкидладилар.

— Илгари ижодкорларнинг дам олишлари ва ижод қилишлари учун фақатгина "Дўрмон ижод уйи" мавжуд эди, — дейди "Дўстлик" ордени

соҳиби, шоир Шодмонкул Салом. — Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2019 йили Жиззах вилоятининг Зомин туманида барча қулайликларга эга бўлган замонавий ижод уйи куриб битказилди. Мана энди шундай илҳом масканлари яна биттага қулайди. Паркент туманида фойдаланишга топширилган бу мухташам мажмуа ижодкорларнинг илҳомбахш масканларидан бири бўлиши шубҳасиз. Бу ерда ижодкорлар дам олиб, янги асарлар яратиши учун барча шароитлар мавжуд.

Бино замонавий андозалар асосида қурилган бўлиб, 152 ўринга мўлжалланган 32 хонадан иборат. Умумий 2 гектар майдонда жойлашган муаззам мажмуа очик ва ёпиқ сув ҳавзаси, кутубхона, ошхона, чойхона ҳамда 150 ўринли амфитеатрга эга. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, мазкур маскан тоғ ёнбағирларида жойлашган бўлиб, гўзал табиати, тоза ҳавоси ижод қилиш ҳамда маънавий ҳордиқ чиқариш учун айна мўддаодир.

Тадбирда меҳмонлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари

"Паркент ижод уйи" билан тўлиқ таъинирилди. Оромгоҳ ҳовлисида янги чоп этилган китоблар кўргазма-савдоси ташкил этилди.

Тадбир давомида "Буюк ўзбек йўли" публицистик тўплами, "Орзулар хиббони" ҳикоялар тўплами, "Келажакка бошлайди ишонч" шеърый тўплами ҳамда Туркияда профессор Муневвер Текжан томонидан нашрга тайёрланган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби Зокиржон Машрабов ҳақида "Бобур изида ўтган бир умр" китобининг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

Эл ардоғидаги санъаткорларнинг бадиий чиқишлари, шоирларнинг Ватанини, истиқлолни улуғловчи шеърлари тадбирга завқ бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувоҳитов, Бош вазир ўринбосари Б. Мусаев ва Тошкент вилояти ҳокими Д. Ҳидоятлов иштирок этди.

**Абдусалим МАҲМУДОВ,**  
Тошкент ҳақиқати/

## Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-округ сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 10, 22-моддалари-га асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-округ сайлов комиссияси

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-сайлов округи ҳудуди бўйича сайлов участкаларининг жойлашуви юзасидан 7 та шаҳар ва 15 та туманлар ҳокимларининг тақдимномалари маълумот учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-сайлов округи ҳудудида қуйидаги сайлов участкалари тузилсин.\*
3. Ушбу қарор матбуотда эълон қилинсин.
4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига юборилсин.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Д. Шоисманов зиммасига юклатилсин.

10-округ сайлов  
комиссияси раиси

**М. БОЛТАБАЕВ**

\*Тахририят изоҳи: Қарорнинг ушбу қисмида келтирилган сайлов участкалари ҳақидаги маълумотлар тегишлиликда кўра туман ва шаҳар газеталарида эълон қилинмоқда.



Дастлаб Марказий сайлов комиссияси раҳбари 3. Низамходжаев кунни кеча Сенат аъзоси этиб сайланган Тошкент вилояти ҳокими Д. Ҳидоятловга сенаторлик гувоҳномаси ва нишонини топширди. Унинг сенаторлик фаолиятига муваффақиятлар тилади. Шу билан бирга, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 26 августдаги фармонида кўра, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ордон ва медаллар билан мукофотланган туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳам мамлакатимиз ривожини, аҳоли фаровонлигини йўлидаги хизматлари эътироф этилди.

## МУҲИМ ЖАРАЁНГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК


Марказий сайлов комиссияси раиси  
10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси  
биносидан яратилган шароитлар билан танишди

Шундан сўнг жорий йилнинг 24 октябрь кунини ўтаётган муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни ташкиллаштириш ҳамда у билан боғлиқ масалалар бўйича ҳудудларда амалга оширилаётган тайёрларик ишлари муҳокама этилди. Барча ҳудудларда бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам Президентлик сайловига тайёрларик кўриш, сиёсий жараёни миллий қончилигимиз ва дунёнинг илгор мамлакатлари тажрибалари асосида ўтказиш, сайловчилар, хусусан, биринчи мартаба овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланадиган ёш авлоднинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ҳозир Тошкент вилояти бўйича жами 988 та сайлов участкалари ташкил этилди. Сайлов участ-

каларида интернат тезлигини кўтариш, мавжуд камчиликларни бўғариш қилиш, ўтказилаётган семинар-тренингларда сайлов жараёни иштирокчиларининг малакасини ошириш, SJBAT (сайлов жараёни иштирокчиларининг ахборот тизими)нинг афзаллиги ҳақида сўз юритилди.

Тадбир давомида меҳмонлар 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси биносидан яратилган шароитларни кўздан кечирди. Айна пайда мазкур бинода сайлов жараёни иштирокчиларининг ахборот тизими бўшқа қулайликлар мавжуд. Хусусан, Округ сайлов комиссияси ҳузурида матбуот маркази ташкил этилиб, ходимлар фаолияти йўлга қўйилди.



Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан Тошкент туманидаги "Маданият саройи"да "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

## Маънавият ~ ёшларга қанот



Унда Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими ҳамда туман ҳокимлиги вакиллари, мактаблардаги маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари, ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар ва фаол ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар туманининг ўтмиши ва бугуни, янги ислохотларнинг амалга оширилиши ҳақида гапирди.

— Дарҳақиқат, туманининг қиёфаси кундан кунга ўзгармоқда, — дейди Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими раҳбари Ирода Муҳаммад-азизова. — Туман маркази эса пойтахтимиздан андоза олган ҳолда замонавий-лашмоқда. Бунёдкорликлар билан бирга маънавият

масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидлади. Аҳоли, айниқса, ёшлар учун барпо қилинган спорт комплекслари, шинам кутубхоналар, дам олиш масканлари кўзни кувонтиради. Шунга яраша туман ёшлари ҳам маънавий ҳаётда жуда фаол, яратилаётган имкониятлардан кенг фойдаланишмоқда.

Тадбирда ёш ижодкорлар чизган расмлар кўргазмаси ҳамда туман тарихини акс эттирувчи видеолар тақдими бўлиб ўтди.

Яқинда фаол ёшлардан ташкил топган "Маънавият клуби" аъзоларига сертификат ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Фахриддин АЛИМОВ,**  
"Маънавият ва маърифат" маркази Тошкент тумани бўлими бош мутахассиси

Паралимпия ўйинларининг дастлабки кунинда терма жамоамиз вакили (Олмалик шаҳридан) Ислон Асланов пара-сузиш баҳсларида бронза медалига сазовор бўлди.

Токио-2020

## ПАРАЛИМПИА ҲИЙНЛАРИ:

## ВИЛОЯТИМИЗ ВАКИЛИ БРОНЗА МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Эркаклар ўртасида 100 метрга баттерфляй усулида (С13 класс) сузиш баҳсида 2 нафар вакилимиз финал дастурида қатнашди. Учинчи йўлақда ҳаракат қилган

юртдошимиз Ислон Асланов 57,12 сония натижага қайд этди ва бронза медалига сазовор бўлди. Ушбу дастурда қатнашган Музаффар Турсунжоев эса 57,44 сония

билан бешинчи погонани банд этди. Худди шу йўналишда аёллар тоифасида иштирок этган Шоҳсанамхон Топшўлатова эса тўртинчи натижани кўрсатди.



## МУКОФОТ МУБОРАК!

**Наумченко Татьяна Петровна** — Оҳангарон шаҳридаги «Муруват» ногиронлар учун эркаклар интернат уйи ҳамшираси

**Акрамов Гафар** — Чиноз туманидаги «Уринбой ҳожи» фермер ҳўжалиги бошлиғи

**«Дўстлик» ордени билан**

**Ахмедкулов Джура** — Халқ депутатлари Нурафшон шаҳар Кенгаши котибият мудири

**Муталов Абдулхашим Муталович** — меҳнат фахрийси

**Сарманов Абдираим Мама-раимович** — «Ўзбекўмир» амциядорлик жамияти «Ангрен кўмири» филиали экскаватор машинисти

**Хамидов Хакимджан** — меҳнат фахрийси

**Эшимов Шухрат Мухтарович** — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Ангрен кон бошқармаси тегириком машинисти

**«Даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан**

**Мамагиязова Ойниса** — Бўстонлик тумани тиббиёт бирлашмаси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

нинг кўп тармоқли марказий поликлиникаси педиатри

**«Даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан**

**Маткаримов Тошпўлат Қаршибоевич** — Оҳангарон шаҳридаги «Курама» фольклор-этнографик халқ ансамбли раҳбари

**«Даражали «Саломатлик» ордени билан**

**Мирахмедов Мирадил** — Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг «Янгийўл» юрак-асаб касалликлари сихатгоҳи директори маслаҳатчиси

**«Содик хизматлари учун» медал билан**

**Мадраров Наманджон Байматович** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг электрда пўлат эритиш цехи оператори

**Махмудов Шукурулла Насимхонович** — Ангрен шаҳар ҳокими

**Тажиёв Умид Каримович** — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Ёшлик-1» кони муҳандиси

**Хамдамов Кобил Мураткулович** — Олмалик шаҳар ҳокими

**«Соғлом турмуш» медал билан**

**Мухутдинова Кимё Абдурамановна** — Бекобод шаҳридаги «Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази» нодавлат ноширот ташкилот раҳбари

**«Келажак бунёдкори» медал билан**

**Абдувалиев Мухриддин Нурриддин ўғли** — Ўрта Чирчиқ туманидаги «Абдували Мухриддин агро» фермер ҳўжалиги бошлиғи

**Авбакиров Турдиали Икрам-кулович** — Пискент туманидаги «Strong training» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

**«Жасорат» медал билан**

**Мухаметзянов Алберт Анасович** — «Ўзбекимёмаш заводи» акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш устаси

**«Шухрат» медал билан**

**Иманова Ҳажар** — Оҳангарон тумани (100 ёшдан ошган)

**Дженилиева Роза Шералиевна** — Юқори Чирчиқ туманидаги «Балдирган бобе» нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари

**Абидов Амир Илгизович** — Нодир металл ва қаттиқ қотишмалар илмий-технологик маркази лаборатория мудири

**Алимбеков Ботир Боходирович** — Чиноз тумани ҳокими

**Алимов Азиз Тоирджанович** — Юқори Чирчиқ туманидаги «Юқори Чирчиқ металл инвест» масъулияти чекланган жамияти бош директори

**Бобоев Ойбек Мирзарахимович** — Қибрай туманидаги «Elite Konstruktion Optima» масъулияти чекланган жамияти директори

**Мухторхон Нуритдин Комолидинович** — Паркент туманидаги «Agro Star Expro» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

**Уктамов Ахроржон Уктамович** — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Ёшлик-1» кони тоғ-кон транспорти комплекси бош муҳандиси

**Ҳайдаров Шокир Валереевич** — Бекобод туманидаги «Green Agro Food» масъулияти чекланган жамияти бош директори

**Юсупов Азиз Коҳраманович** — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Ёшлик-1» кони «БелАЗ» ҳайдовчиси



"Кечалар киприкларимда тарки хоб айлар ҳаёл, Гоҳ савол айлар кўнгилга, гоҳ жавоб айлар ҳаёл..."  
Сурат тахририят фотоархивдан (1981 йил)  
Александр АБАЛЯН  
Тошкент ҳақиқати/ олган сурат

Ўзбекистон халқ ҳофизы Фахридин Умаров ҳаёт бўлганда фусункор кўзининг илк кўнида ўзининг 95 ёшлари қарши олган бўларди.

Ҳофиз кўпинча туғилган кунларида ўз дил розларини яқинлари, шогирдлари даврасида кўшиқлари билан ифодалаганига, шу тариқа ўзининг бир йиллик ижодий сарҳисобини қилганига бир неча бор гувоҳ бўлганми.

Илк бор бундан роса 40 йил муқаддам ҳофизнинг Қўрайдаги файзли ҳовлисида бўлиб ўтган шуқроналиқ тадбирда иштирок этган эдим. Эшитишимча, бундан аввалги маросимлар бу қадар сарфайз ўтмаган. Ўтган асрнинг олтинчи йилларида ўз кўшиқлари билан инсон боласи кўтара олмайдиган даражадаги шон-шухрат чўққисига чиққан санъаткор ҳеч қачон қилмаган.

Ўз эмас, ўн икки йил давомида унинг концертлари ташкил этилмади, давлат тадбирларида чиқарилмади, радио ва телевидениеда кўринмади. Босма оммавий ахборот воситаларида эса у киши ҳақида тухмат мақолалар чоп этилди, холос.

Ана шундай оғир бир вазиятда Фахридин Умаровни юпатадиган биттаю битта таскин бор эди. Бу халқнинг санъаткорга бўлган чексиз муҳаббати.

Мамакатимизнинг барча гушаларидан тўйларга тинимсиз

Дарвоқе, туғилган кунга меҳмонлар чақирилмайди. Лекин, биз газетанинг бош муҳаррири ва икки нафар ходими расман тақлиф қилинган эдик.

Тадбирнинг авжи палласида давра раиси кўшиқ навбатини маросим мезбони – Фахридин Умаровга берди. Ҳеч қутилмаганда ардоқли ҳофизимиз даврага мени – ўша мақола муаллифини чорлади ва микрофонни кўлимга тутқазди. Орадан йиллар ўтиб, нималар ҳақида гапирганимни эслолмайман, лекин санъаткорнинг эслолмайман, лекин санъаткорнинг нима учун менга сўз берганини ўзимча мушоҳада қиламан.

... Фахридин Умаровга ўзимни муҳбир сифатида таништириб, у ҳақида мақола ёзиш ниятим борлигини айтганимда, унинг юзларида ажабланиш аломатларини кўрганман. Бу ажабланиш унинг илк саволида ҳам зухур толган эди.

– Мен ҳақимдаги яхши-ёмон гапларнинг ҳаммаси маълум. Сиз энди нималар ҳақида ёзмоқчисиз?

– Фахридин Умаровнинг кўшиқчилик мактаби ва унинг шогирдлари – Тошкент кўшиқчилик мактабининг давомчилари ҳақида ёзмоқчиман, – дедим ёшликка хос дадиллик билан.

– Фахридин Умаровнинг кўшиқчилик мактаби, Тошкент кўшиқчилик мактаби? – ҳайрат билан сўзларимни такрорлади суҳбатдошим.

Ўзбек кўшиқчилик санъатининг ўз мактаблари, даргалари борлиги, Хоразм, Фарғона, Самарқанд ижрочилик йўллари, уларнинг асосчилари ва ўзига хос томонлари ҳақида гапирдим. Кейин Фахридин Умаров санъати тимсолида Тошкент кўшиқчилик мактабининг таърифладим. Уни бир сўз билан лирик кўшиқлар мактаби, деса бўлади, дедим.

– Ёшингиз неччида, – сўзимни бўлди ҳофиз.

Бу саволдан жуда хижолат тортидим. "Сен кимга ақл ўргатясан, тирранча?" дегандек эшитилди менга бу савол. Шундай бўлсада, жавоб қайтардим.

Суҳбатдошимнинг чеҳраси ёришди: – Ёшлар мени билмайди, эшитмайди, деб юрардим...

Фахридин Умаров кўшиқларини ёшу қари баробар севиб тинглашини, уларда энг нозик инсоний туйғулар, муҳаббат армон, дард мана шу мен, деб балқиб туришини, овози ва

услуби бетакрорлигини таъкидламоқчи бўлдим.

Мақтов ҳаммага ёқади. Агар у чиндан асосли бўлса, икки қарра хушнуд қилади. Эҳтимол, ҳофиз даврон ушанда катта даврага кичкина бир муҳбирни чорлаб, микрофон тутқазар экан, ана ўша гапларни ҳаммининг олдида яна бир бор қайтаришимни хоҳлагандир...

Фахридин Умаров беихтиёр тўлқинланиб кетди. Ҳаммаша қандайдир файз ва тароват балқиб турадиган юзи янада ёришди. Сўзларимни тинглаб бўлгач, дуторини созлади ва кўнгилни хуноб қиладиган даражада ҳазинлик билан куйлай бошлади:

Сени севганлигим айбим,  
менинг ўзага гувоҳим йўқ,  
Бу ишқдан бир ўзинг воқиф,  
меннинг ўзага гувоҳим йўқ...

Биринчи суҳбатимиздан сўнг орадан анча вақт ўтди. Мақола газета юзини кўргунга қадар биз яна бир неча марта учрашдик. Ҳар са-

янгидан қайтиши, деб тушундик. Фахридин Умаров аския санъатини ҳам пухта эгаллаган эди. Ўз даврининг машҳур сўз усталари билан баробар баҳсга кириша оларди. Гапга чечанлик, ҳозиржавоблик, сўзамоллик борасида ҳофизнинг олдида тушадиганлар кам эди.

Яна бир ҳолатга шахсан гувоҳ бўлганман. Ўз даврининг катта амалдорлари иштирок этган тор доирадаги зиёфатга Фахридин Умаров ҳам тақлиф этилган эди. Хонага тор кўтариб кирган ҳофиз салом-алика ҳам улгурмай хужумга учради. Бутун мамлакат матбуотини илқида ушлаб турган вазир мақомидаги амалдор гапни "Онам ўлганида кўнгил сўрашга ҳам келмадинг", дея гинадан бошлаб, бор эътирозу газабини тўкиб сочди. Ҳофиз ҳақида ёзилган фелье-

кан, муҳлис ўз тафаккур тарзидан келиб чиқиб, мушоҳада қиладиган ва аниқлашмайди. Мазкур кўшиқни қойилмақом ижро қилаётганида Фахридин Умаров ҳаёлидан нималар кечган экан? Айтмоқчи бўлганимиз ана шулар ҳақида.

фар Фахридин Умаров хонадонига борганимда уни санъаткорлар, адабиётчи олимлар даврасида кўраб, жуда завқли суҳбатларнинг гувоҳи бўлар эдим. Ҳофиз кўшиқча солган Навоий, Бобур, Маҳраб ғазалларини эшитиб, ҳар сафар мумтоз адабиётимиз дурдоналарини қайтадан кашф қилгандек бўлаверардим.

Ана шундай суҳбатларнинг ҳар бирида у мумтоз адабиётимизни нақадар чуқур билиши, ғазални чиройли ўқиши, ҳар бир сўз замиридаги маъно ва рамзларни эринмай шарҳлаши, асарни муҳлисга етказишда ургун қайси сўзга бериш лозимлиги, талаффузининг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратишининг гувоҳи бўлганман. Бу эса мени ҳофизга, унинг санъатига кўпроқ боғлаб, ошуфта қилиб борар эди.

Бундай пайтларда у ўзини нафақат кўшиқчи, айна вақтда етук бастакор, созаанда, шоир, адабиётшунос, энг муҳими, қомил инсон сифатида намоён қилар эди.

Бир кун Фахридин ака Хумсоннинг сўлим гўшага тақлиф қилди. Дилкаш суҳбатдан сўнг у киши Бобур ғазали билан "Сочининг савдоси тушди, бошимда бошдин яна" деб бошланганидан кўшигини созис, маҳорат билан бутун борлиқни унутиб ижро қилди. Ҳамроҳлар ушбу ижронинг ҳофизнинг кўшиқчилик санъатига

тонни ушлаб турганини, керак бўлса, битта имо билан энг катта газетда бердириб юбориши мумкинлигини айтиб, нўписа қилди.

Ҳофиз гап қайтармади, ўзини оқлашга уринмади ҳам. Бир жуфт кўшиқ айтишга келганини билдириб, кўлига созини олди... "Амалу давлатинг ўқидир, мудом турмас камонингда", деб кўшиқ бошлади.

Ушанда у кишининг ҳозиржавоблиги ва жасурийдан ёқа ушлаганман.

Дарҳақиқат, назм ва наво ҳофиз ҳаётининг мазмунига айланиб бўлган эди. Санъаткорнинг умр баёнини унинг кўшиқларидан изламоқ лозим, деган хулосага келганман.

## Эй, учур азиз

Мевали дарахтга тош отилади. Фахридин Умаров умрининг охиригача ҳар қандай майда гап-сўзлардан ўзини юқори қўя олди. Бу унинг эл-юрт олдидаги ҳурмат-иззатини чандон оширди.

Муस्ताқиллик йилларида унга "Ўзбекистон халқ ҳофизы" фахрий унвони берилди. Қуни кеча яна бир хушxabар тарқалди: Президентимиз имзолаган фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси муस्ताқиллигининг 30 йиллиги муносабати билан марҳум санъаткор Фахридин Умаров "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан муқофотланди. Бу жуда муносиб эътироф.

Фахридин Умаров мураккаб, айна вақтда, шарафли умр ва ижод йўлини босиб ўтди. Бу йўлда азоб-уқубатларни ҳам кўрди, камдан-кам санъаткорга насиб этадиган шон-шарафга ҳам бурканди. Кўп йиллар машҳурлик чўққисига, санъатсевар халқимизнинг чексиз меҳр-муҳаббати ардоғида яшади. Умрининг охиригача санъатга, ўз эътиқодига содиқ қолди.

Шу ўринда Набижон Боқий ва Ҳожиакбар Ҳамидовларнинг Фахридин Умаров ҳақида ёзилган "Мени ёд эт" номли китобидан бир лавҳани эътиборингизга ҳавола қилишим лозим топдик.

"Ҳабиб Абдуллаев (академик) ҳазрат Навоий ғазали билан айтиладиган "Сабо етсанг" кўшигини етти қатла эшитишга, узоқ ўйга толади, ҳеч ким у кишининг ҳаёлини бўлмади. Ниҳоят, қаттиқ уйқудан уйғонган одамдек сесканиб атрофга қарайди, маънос жилмаяди. Сўнг уқтам товушда:

– Фахридинжон, ўғлим, сенга айтадиган қўяматли гапим бор, – дейди донна-донна қилиб. – Мен ўлган кунда мана шу кўшигининг айтиб турасан. Тобутда ҳам, мазорда ҳам сенинг кўшигини эшитиб ётаман. Сенга айтадиган васиятим ҳам, илтимосим ҳам шу..."

Жанозада кўшиқ айтилмайди. Лекин, бу васият қайсида маънода ижобат бўлган. Бу воқеани саксондан ошиб, омонатини топширган Фахридин Умаровнинг ҳанозаси қуни ҳам эсга олгандим. Марҳумнинг Қўрайдаги ҳовлисида қабристонгача бўлган масофа хийла узоқ. Лекин тобутни машинага юклашмади. Тумонат одам уни кўлма-қўл олиб, сўнгги йўлга қузатди. Барча маънос ва ўйчан кўринди. Жанозада иштирок қилганлар орасида устознинг кўп сонли мухлислари, таниқли шогирдлари бор эди. Назаримда, улар ҳофизнинг кўшиқларини унсиз ижро этишар эди:

Йўлинда тўғроқ ўйлим, эй, сабо етсанг губоримга...  
Ўша кун менинг тилимдан эса ҳофизнинг сарлаҳадаги сўзлар билан бошлангандаги кўшиқни тушмади. Ҳофиз қайси айби учун ҳаёт синовларига дучор бўлганми? Назаримда, Фахридин Умаровнинг "айби" бўлса, у ҳам биттагина эди: асл санъатни, ҳаётни, одамларни, мухлисларини севадди, ардоқларди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, журналист

### Эълонлар

#### Ҳурматли Ангрен шаҳри Нуробод шаҳарчаси истеъмолчилари!

Тошкент вилояти Халқ депутатлари Кенгашининг 2021 йил 20 августдаги VI-36-17-10-0-К/21-сонли қарорига асосан Ангрен шаҳар "Kommunal xizmat ko'rsatish davlat korxonasi" Нуробод шаҳарчаси истеъмолчиларига ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизмати таърифлари 2021 йил 12 сентябрдан бошлаб ошишини маълум қилади:

АХОЛИ УЧУН:	
Ичимлик суви	– 300.00 сўм/1 м³ + 50.00 сўм (устама ҳақ)
Оқова сув хизмати	– 750.00 сўм/1 м³ + 50.00 сўм (устама ҳақ)
БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН:	
Ичимлик суви	– 420.00 сўм/1 м³ + 15 фоиз ҚҚС + 50.00 сўм (устама ҳақ)
Оқова сув хизмати	– 1250.00 сўм/1 м³ + 15 фоиз ҚҚС + 50.00 сўм (устама ҳақ)
БОШҚА УЛГҲРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН:	
Ичимлик суви	– 470.00 сўм/1 м³ + 15 фоиз ҚҚС + 50.00 сўм (устама ҳақ)
Оқова сув хизмати	– 2500.00 сўм/1 м³ + 15 фоиз ҚҚС + 50.00 сўм (устама ҳақ)

ЭСЛАТМА:	
1.	Ҳисоблагич асбоби йўқ истеъмолчиларга Тошкент вилояти ҳокимининг 2015 йил 18 майдаги 151-сонли қарори ижроси қўлланилади.
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 25.02.2019 йилдаги 05/1-4774-сонли топшириғи ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг 2019 йил 13 мартдаги 200-сонли қарорига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг уй-жой коммунал хўжалигини равожлантириш жағма-масига талаб этиладиган маблағлар тушумини таъминлаш мақсадида ичимлик суви таъминоти хизматлари учун махсус устама ҳақ микдори 50 сўм/м³ ва оқова сув хизматлари учун махсус устама ҳақ микдори 50 сўм/м³ қўлланилади.
3.	2021 йил 12 сентябрдан ичимлик суви ва оқова сув хизмати нархлари ўзгарганлиги боис 2019 йил 1 сентябрдан қуча қирган ичимлик суви ва оқова сув хизмати таърифлари ўз кучини йўқотди.

#### "Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига NBU "BUNYOTKOR INVEST" МЧЖнинг 2021 йил 24 августдаги 305-сонли бюртманомасига асосан, Наманган вилояти, Янгиқўрғон туманида жойлашган, хуқуқий ҳужжатга асосан умумий майдони 20000,0 кв.метр, умумий қурилиш ости майдон 2075,6 кв.метр, умумий фойдали майдони 1960,3 кв.метр, 6 та литирдан иборат бўлган "Янгиқўрғон деҳқон бозори" 1 қаватли савдо мажмуаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 5 782 130 000,00 сўм.

**TOSHKENT HAQIQATI**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**

**Muassis:**  
**TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**

**Bosh muharrir:**  
**G'AYRAT SHERALIYEV**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011 yil 12 yanvarda 03-001 raqami bilan ro'yatga olingan. Nashr ko'rsatkichi – 205. Buyurtma G-835. 3 954 nusxada chop etildi. Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda.

**Telefonlar:**  
Qabulxona: (71) 233-64-95  
Bosh muharrir o'rinbosari: (71) 233-70-10  
Mas'ul kotib: (71) 233-90-82  
Bo'lim muharrirlari: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08  
E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (71) 233-54-10

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi. «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxonada nashriyot Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
**Elektron pochta:** toshkenthqiqati@mail.uz

**Manzillimiz:**  
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

**Toshkent shahridagi ofisimiz:**  
100000, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

**Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.**

Navbatchi muharrir  
**Kumush EGAMBERDIYEV**  
Nazoratchi musahhh  
**Alloma AZIZOVA**  
Navbatchi  
**Suhrobjon SADIROV**

# “Ўзметкомбинат” АЖ

касаба уюшма қўмитаси  
барча юрtdошларимизни,  
шунингдек, азму  
шижоатли  
металлурglарни  
мамлакатимиз

Мустақиллигининг

30 йиллиги  
билан самимий  
табриклайди!

Мустақиллик нашидаси бардангизнинг оилаларин-  
гизга шодлик, кувонг ва бахт олиб кирсин.

Хонадонларингиздан тинчлик-тотувлик, кут-бара-  
ка, дастурхонларингиздан тўқин-солинлик арилмасин.

Ўстидеболмишиз порлок,

ИСПИҚЛОЛИМИЗ АЪАДИИ БҲАСИНИ!

## ЎТТИЗ ЁШЛИ АВЛОДГА

Шижоатинг нақадар тездир,  
Биз сен билан, дунёни кездир.  
Меҳр надир, юракка чиздир,  
Ўттиз ёшли навқирон авлод,  
Босган изинг нурафшон, обод.

Қўлинг чўзар жануб ва шимол,  
Парвонадир бошингда ҳилол,  
Ҳар бир кунинг ҳикмат, эҳтимол,  
Ўттиз ёшли навқирон авлод,  
Сен шамолдан илдамроқ, ҳайхот!

Энди ортга қайтмайди бу эл,  
Тош кемириб, симиради сел,  
Мақсад бўлсанг дўст, шу майдонга кел,  
Учинчи бор уйғонган авлод,  
Курашмоқдин йўқ ўзга нажот,

Боболарга муносиб ворис,  
Мақсад аниқ, йўл эса олис,  
Алломишлар, бири Тўмарис,  
Ўттиз ёшли навқирон авлод,  
Қудрат сенда, сендадир сабот.

Жаннат кўрдим букун чўлингда,  
Еру осмон сенинг қўлингда,  
Улуғ мақсад турар йўлингда,  
Ўттиз ёшли навқирон авлод,  
Қалби қайноқ, сўнмас бир ижод.

Ҳар бир гўшанг обод, чарогон,  
Олам ичра янги бир жаҳон,  
Яшагаймиз эркин, фаровон,  
Ўттиз ёшли навқирон авлод,  
Қутлуг сенга, гўзал, хур ҳаёт!

Ашурали БОЙМУРОД